

**«Мухожирлар ва ансорларнинг дастлабки пешкадамлари хамда улар ортидан эзгулик билан борганлардан Аллох рози бўлди, улар хам Ундан рози бўлдилар. Яна улар учун остида анхорлар оқувчи, (улар) унда абадий мангу коладиган жаннат (бог)ларни тайёрлаб кўйди. Ана шу улкан ютукдир»**  
(Тавба, 100).

Ояти каримада одамлар орасида Аллох таоло ва унинг Расулига биринчи бўлиб иймон келтирган, ўз ватанлари, уй-жойлари ва кавм-қариндошларидан айро тушиб, хижрат қилганлар, Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга ёрдам берган ансор хамда Аллох ризолигини кўзлаб улар ортидан эргашган зотлар зикр этилиб, «Аллох улардан рози бўлди, улар хам Аллохдан рози бўлдилар», дея марҳамат қилинади.

Олимлар мухожир ва ансорлар ҳақидаги **«ассобиқунал аввалун» («дастлабки пешкадамлари»)** сўзининг тафсири борасида турли фикрлар билдиришган. Баъзилари бундан мурод улар Байъатур ризвонда Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга байъат қилган ёки шунга етишганлардир, дейишган.

Шаъбийга кўра, ўша аҳдлашмадан олдин хижрат қилиб, унда ҳозир бўлганлар илк мухожирлар ҳисобланади.

Бошқа бир гуруҳ муфассирлар **«Мухожирлар ва ансорлардан дастлабки пешкадамлари»** дан Пайгамбар соллаллоху алайхи васаллам билан икки қиблага (яъни Ислоннинг бошида Масжидул Аксога, кейин эса Каъбага) қараб намоз ўқиганлар кўзда тутилган, дейишган. Бу фикрга Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху, Саид ибн Мусайяб, Катода каби саҳоба ва тобеинлар қўшилишган.

**«Улар ортидан эзгулик билан борганлар»**дан мурод мухожир ва ансор сингари Ислонга қирган, уларнинг йўлларида юрган ва ҳар жихатдан эргашганлардир.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху бир кишининг олдидан ўтиб кетаётганларида у ушбу оятни ўқиётган эди. Хазрат Умар унинг кўлидан тутиб сўрадилар:

— Буни сенга ким ўргатди?

— Убай ибн Каъб.

— Мен Убайни келтиргунимгача кетиб колмай тур.

Убай ибн Каъб розияллоху анху келгач, хазрат Умар ундан сўрадилар:

— Бу одамга ушбу оятни шу тарзда ўқишни сен ўргатдингми?

— Ха.

— Расулulloх соллalloху алайхи васалламдан шундай эшитганмисан?

— Ха.

— Мен бўлсам биз шундай даражага юксалдикки, энди бизга ҳеч ким етолмаса керак, деб ўйлагандим.

— Йўқ. Бу оятни Жума сурасининг боши(даги 3-оят), Хашр сураси(даги 10-оят) ва Анфол сураси(нинг 75-оят) тасдиқлайди –, деб жавоб бердилар Убай ибн Каъб.

**«Аллох улардан рози бўлди, улар ҳам Аллохдан рози бўлдилар».** Яъни Аллох таоло Пайгамбарига эргашганлари, унинг буйрук ва кайтарикларига итоат этганлари учун уларнинг барчаларидан рози бўлди. Мухожир ва ансорларнинг пеш-кадамлари ҳамда уларнинг Аллох ва Расулига иймон келтириш, савоб амалларни кўпайтириш каби эзгуликдан иборат йўлларига эргашганлар ҳам Ундан рози бўлдилар.

Аллох таоло улар учун остидан дарёлар окиб турадиган жаннатлар хозирлаб кўйган. Унда абадий коладилар, ўлмайдилар ва жаннатдан чиқарилмайдилар. Ана шу улкан ютукдир.

Ояти кариманинг бошида зикр килинган толели икки гурух кишилардан бўлишни тақдир калами бизга битмаган экан. Аммо улар йўлларида юрсак, хар сохада уларга эргашсак, «улар ортидан эзгулик билан борадиганлар» каторига киришимиз ва ваъда килинган мукофотларга биз ҳам сазовор бўлишимиз мумкин, иншааллох!

**Табарий тафсири асосида Нўъмон Абдулмажид тайёрлади.**